

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Үн.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

ЗИЯДУЛЛАЕВ МАХМУДЖОН ДЖУРАКУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯ ТИЗИМИ
ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.05 – Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (PhD)

Content of the abstract of the doctoral (PhD) dissertation

Зиядуллаев Махмуджон Джуракулович

Ўзбекистонда ёшга доир пенсия тизими ва унинг ҳуқуқий

асосларини такомиллаштириш 3

Зиядуллаев Махмуджон Джуракулович

Совершенствование системы пенсии по возрасту и ее правовой

основы в Узбекистане 25

Ziyadullaev Makhmudjon Djurakulovich

The age pension system and improving its legal

framework Uzbekistan 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Ҳ.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

ЗИЯДУЛЛАЕВ МАХМУДЖОН ДЖУРАКУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯ ТИЗИМИ
ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.05 – Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Yu248 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усманова Муборак Акмалджановна
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Камалов Ойбек Ахматович
юридик фанлар доктори, доцент

Саттарова Гулноза Джуракуловна
юридик фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг Божхона институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Ҳ.74.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил 30 май соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент вил., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50; e-mail: mg-hti@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент вил., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50.

Диссертация автореферати 2019 йил 16 майда тарқатилди.

(2019 йил 16 майдаги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Х. Рустамбаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар
доктори, профессор

М.М. Нурматов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш илмий котиби, юридик
фанлар номзоди, доцент

М.Б. Усмонов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, юридик фанлар доктори,
профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда кекса ёшдаги аҳоли сони (60 ёш ва ундан катталар) 1 млрд. кишига яқин бўлиб, бу ер юзидаги жами аҳолининг 13 фоизини ташкил этади. Халқаро ташкилотларнинг тадқиқотларига кўра, дунё аҳолиси йил сайин кексайиб бормоқда. БМТнинг маълумотларига кўра, 2050 йилда ер юзи аҳолисининг 22 фоизини пенсионерлар ташкил қилиб, дунё аҳолисининг ўртача яшаш давомийлиги эса 76 ёшга етиши прогноз қилинган¹. Пенсионерларнинг бундай суръатларда ўсиб бориши, ёшга доир пенсия таъминоти тизимини ва қонунчилигини янада такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Жаҳонда пенсия таъминоти муаммоларини ҳал этишнинг ҳозирги босқичида пенсия тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш соҳасида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, фуқароларнинг ижтимоий таъминот ҳуқуқларини таъминланиши ва келгусида уларни муносиб пенсия билан таъминлаш кафолатларини яратиш ҳамда пенсия таъминотида оид қонунчилик нормаларини қайта кўриб чиқиш, пенсия соҳасида уларга нисбатан ижтимоий адолат принципларини бузилишини олдини олишга оид ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш, пенсия таъминотида оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда пенсия таъминоти тизимида кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш фаоллигини ошириш, жумладан, «пенсионерлар, ногирон, ёлғиз кексалар, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш»² бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларга қарамасдан ҳамон пенсия таъминоти тизимида етарлича муаммолар мавжуд бўлиб, булар пенсия қонунчилигини бугунги кун талабларига ва халқаро стандартларга мос эмаслигидан далолат бермоқда. Бу эса, ўз навбатида пенсия таъминотида оид қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, уни халқаро стандартларга мослаштириш, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш, нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш зарурлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (1995), «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги (1993), «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги (2004)

¹ Дунё аҳолиси кексаймоқда...ми? // <http://uza.uz/oz/world/dunye-a-olisi-keksaymo-da-mi--01-07-2018?bxajaxid=8cc69a9265dd3eddb4fb0a1351d783c7>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2016 йил 22 февралдаги 46-сон «Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, ижросини таъминлаш ва самарадорлигини янада оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда ёшга доир пенсия тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид масалалар етарли даражада ўрганилмаган. Мамлакатимизда пенсия таъминотини такомиллаштиришнинг умумий ҳуқуқий жиҳатлари – А.А.Иноятов, М.А.Усманова, Й.Турсунов, Д.Аҳмедов, Г.Саттарова, Ш.Исмоилов, Г.Мурадова, Ш.Газиёвларнинг ишларида тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан Luciana P.Dias, B.Dutoid, N.Barr, A.Berenstein, J.Dubochet, P.Y.Carnal, J.P.Fragniere, P.Gilland, Ph. Gnaegi, G. Esping-Andersen, P.Y.Greber, B.Kahlil-Wolf, M.Leimgruber, M. Mine, S. Muller, D. Pieters, E. Reynad, F. Ross, W. Schmid, A.Schmidt, P.Schoukens, S.Schulpbach, J.P.Tabin, B.Ulrich ва бошқалар умумий мавзу предмети доирасида тадқиқот ишларини олиб борган.

МДХ мамлакатлари олимлари томонидан пенсия таъминотининг ҳуқуқий масалалари В.А.Агафонов, А.Л.Благодир, Е.А.Бобров, Ю.В.Васильева, В.П.Галаганов, О.В.Ерофеева, Д.Н.Ермаков, А.Ю.Зеленина, М.Л.Захаров, Э.Г.Тучкова, Е.А.Истомина, А.С.Кузеванов, Н.А.Карпунина, С.И.Кобзева, Г.С.Лаптев, Е.Е.Мачульская, Е.А.Прудников, В.В.Стародубцева, С.В.Фомина, С.А.Чиркова ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Юқоридаги илмий изланишлар таҳлили шуни кўрсатадики, ёшга доир пенсия таъминоти ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид қонун ҳужжатлари, шунингдек пенсия таъминотига оид халқаро ҳужжатлар асосида комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Кенгашининг 2018 йил 5 октябрдаги 1-сонли йиғилиш баённомаси (4-масала) қарори билан тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ёшга доир пенсия тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни комплекс таҳлил қилиш асосида пенсия таъминоти соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини таъминлаш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пенсия таъминотига оид қонунчиликда «ёшга доир пенсия», «иш стажи», «махсус иш стажи», «пенсиянинг таянч миқдори» каби тушунчаларни ишлаб чиқиш;

пенсия таъминотига оид қонун ҳужжатларини таҳлил этиш;

соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

пенсия таъминоти ҳуқуқий асосларини ривожланишининг босқичларини даврлаштириш;

пенсия тайинлаш тизимини таҳлил қилиш ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш асосларини такомиллаштириш;

нодавлат пенсия таъминоти фаолиятини шакллантиришнинг асосий қоида ва талабларини жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

ижтимоий ҳимояга оид қонун ҳужжатларини умумлаштирган ҳолда ижтимоий таъминот кодексини ишлаб чиқиш юзасидан таклифларни илгари суриш;

иш стажларини рағбатлантириш тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиётини таҳлил қилиш ва бу асосида миллий пенсия тизимини такомиллаштириш таклифларини ишлаб чиқиш;

пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштиришни комплекс ҳолда тартибга солишга хизмат қиладиган янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга қаратилган таклифларни илгари суриш;

ёшга доир пенсия таъминотига оид қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда ёшга доир пенсия тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини пенсия таъминотига оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти, юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ҳамда мазкур муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир масалаларни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни олиб боришда илмий билишнинг умумий ва махсус усулларида кенг фойдаланилди. Хусусан, анализ ва синтез, кузатиш, таҳлил қилиш (статистик, қиёсий ва ҳ.к.), умумлаштириш, мантиқийлик ҳамда статистик маълумотларни тизимли таҳлил қилиш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

судьяларни ва прокуратура органларининг даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг оила аъзоларининг пенсия таъминотини алоҳида тартиб асосида тайинлаш асослаб берилган;

пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб қилинадиган иш стажининг минимал миқдорини амалдаги 5 йилдан 7 йил қилиб белгилаш тартиби асослаб берилган;

чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс пенсия билан таъминланиш миқдоридан келиб чиқиб, Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдорини мустақил равишда, бироқ ҳар ойига энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорида суғурта бадали тўланиши ўрнига, йилига Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш санасида қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт ярим баробари миқдорда белгилаш асослантирилган;

иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, меҳнат фаолияти даврларини белгилаш ҳақидаги; иш стажини тасдиқловчи ҳужжатнинг тегишлилик фактини белгилаш ҳақидаги; иш ўринларининг аттестация қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, ўта зарарли ва ўта хавфли меҳнат шароитларида ишлаганлик фактини белгилаш ҳақидаги; пенсия жамғармасининг пенсия тайинлаш бўйича комиссиясининг пенсия тайинлашни рад этиш, пенсияни бир турдан бошқа турга ўтказишни рад этиш, пенсиядан чегирмалар қилиш тўғрисидаги қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги давлат пенсия таъминотида оид ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ ишлар судда кўрилиши мумкинлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ёшга доир пенсия таъминотини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш билан боғлиқ тегишли таклифлар ишлаб чиқилган:

фуқароларнинг пенсия таъминотида оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилишга доир таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тавсиялар берилган;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролари учун пенсия таъминоти бўйича суғурта агентликларини ташкил этиш таклифи ишлаб чиқилган;

мамлакатдаги янги иқтисодий ва ижтимоий вазиятга мос келувчи, барча ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий ҳужжатларни қамраб олган ягона «Ижтимоий таъминот» кодексини ишлаб чиқиш таклифи берилган;

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахсларга пенсия тайинлаш тартибини алоҳида белгилаш асослантирилган;

жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш, фуқаролар томонидан ушбу жамғармага тўланадиган бадаллар миқдорини қайта кўриб чиқиш ва акциядорлик тижорат Халқ банкидан ташқари бошқа тижорат банкларида ҳам жамғариб бориладиган пенсия тизимларини жорий этиш асослантирилган;

нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш, фаолият кўрсатиш тартибларини белгилаш, улар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ушбу жамғармалар иштирокчилари билан муносабатларини аниқлаштириш юзасидан «Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида»ги Қонун ишлаб чиқиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

норасмий секторда банд бўлган аҳолини Пенсия жамғармасига суғурта бадал тўлашга жалб қилиш, келажакда фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини мустаҳкамлаш мақсадида фуқароларнинг кўчмас мулкларини ижарага беришдан олинган даромадларидан, уй меҳнати билан шуғулланувчи фуқароларга Пенсия жамғармасига ихтиёрий равишда бадаллар тўлаш механизмларини жорий қилиш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан ва унда илгари суриладиган ғоялардан Ўзбекистонда пенсия таъминоти ҳуқуқини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни янада чуқурроқ ўрганишда, бу борадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда, «Пенсия иши», «Суғурта иши», «Ижтимоий таъминот ҳуқуқи» ва «Пенсия таъминотини бошқариш» каби фанлардан машғулотлар олиб боришда ҳамда амалдаги пенсия таъминоти қонунчилигини такомиллаштиришда қўлланилиши ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, тадқиқот натижаларидан илмий-тадқиқот ишларида ҳамда пенсия иши, пенсия таъминоти ҳуқуқи фанлари бўйича дарсликлар, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

судьяларни ва прокуратура органларининг даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг оила аъзоларининг пенсия таъминоти тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 5 декабрдаги 02/3-267-1164-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар судьяларни ва прокуратура органларининг даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш шартлари, нормалари ва тартибини такомиллаштиришга хизмат қилган;

иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсия тайинлаш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 8-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2017 йил 29 мартдаги 04/3-09-190-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсияларни мутаносиб равишда тайинлашни қонун ҳужжатларида мустақамланишига хизмат қилган;

чет элда ёлланган ҳолда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг пенсиясини ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги 46-сон қарори билан тасдиқланган «Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида» Низом 8-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратининг 2019 йил 29 январдаги ШД/30-02-32-88-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахсларнинг пенсия билан таъминланишига хизмат қилган;

давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2017 йил 29 ноябрдаги 44-сон «Давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 5-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 15 мартдаги б/н-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар давлат пенсия таъминотида оид ҳуқуқни амалга ошириш билан боғлиқ ишлар судда кўрилишини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 13 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро, 1 та халқаро давра

сухбати, 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, 3 та монография ва 10 та илмий мақола (2 та хорижий нашрларда), 1 та ўқув - услубий мажмуа chop этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўнта параграфдан иборат учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Ўзбекистонда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида ижтимоий ҳимоя сиёсати»** деб номланиб, унда Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти соҳасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг моҳияти ва мақсади, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишда давлат пенсия таъминотининг ўрни, пенсия таъминотига оид халқаро стандартлар ва уларни Ўзбекистон пенсия қонунчилигида акс этганлиги билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг *«Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти соҳасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар: моҳияти ва мақсади»* деб номланган биринчи параграфда муаллиф томонидан адабиётларни ва турли хил қарашларни таҳлил қилиш асосида «ҳуқуқий ислохотлар», «пенсия тизими ислохотлари» каби илмий категорияларнинг мазмун-моҳияти, мақсади, асосий жиҳатлари, шунингдек, пенсия таъминоти ҳуқуқий асосларини ривожланишининг босқичлари, пенсия турлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган.

Тадқиқот ишида пенсия қонунчилигида амалга ошириб келинаётган ислохотлар тавсифланар экан, уларнинг асосий вазифаси – соҳада ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойилларига амал қилишни кучайтириш, боқимандалик кайфиятларига барҳам бериш, ажратилаётган молиявий маблағлардан самарали, тежамли ва ўз ўрнида фойдаланиш, суистеъмоллик ва талон-тароажликларга йўл қўймаслик, пенсия таъминоти соҳасида мукамал ишлайдиган ташкилий механизмларни яратишга қаратилганлиги таҳлил қилинган.

Пенсия таъминотига оид хориж олимларининг ҳуқуқий ислохот бўйича қарашлари таҳлил қилинган. Хорижий олимлар фикрлари билан илмий

мунозарага киришиб, уларнинг фикрлари ва халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда ҳуқуқий ислоҳотлар бўйича илмий хулосалар баён қилинган.

Ҳуқуқий ислоҳотлар – мамлакатда изчил амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, муҳим стратегик йўналиш сифатида инсон ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва кафолатини таъминлашга қаратилган зарур ижтимоий муҳит яратиш эканлиги ёритиб берилган.

Муаллиф томонидан пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқий ислоҳотларни ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтганини қайд этиб, ушбу даврларни олти босқичга бўлиб ўрганишни таклиф қилган.

Муаллиф томонидан ўзгалар парваришига муҳтож бўлган қарияларни қўллаб-қувватлаш ва уларни бепул озик-овқатлар билан таъминлашга қаратилган Президент Фармонлари, Чернобиль ҳалокатини бартараф этишда қатнашган фуқароларни ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича Ҳукумат қарори ва «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши бевосита пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширилишига хизмат қилганлиги асослаб берилган.

Фуқароларнинг келажақдаги ижтимоий муҳофазасини тўлақонли таъминлаш мақсадида, зарарли ва ўта оғир ишларда фаолият юритувчи ходимлар учун алоҳида бадаллар тўлаш механизмлари, шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари ва пенсия даромадларини кенгайтириш ҳисобига пенсия миқдорларини босқичма-босқич ошириб бориш бўйича зарурий чоралар кўриш лозимлиги ёритиб берилган.

Пенсия таъминоти ҳуқуқини янада такомиллаштириш ва халқаро стандартларга мослаштириш борасида республикада 2011-2019 йиллар давомида пенсия таъминотига оид қонун ва қонуности ҳужжатларга 50 дан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шунингдек, МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, пенсионерлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона электрон базаси шакллантирилганлиги ва ушбу база фуқароларга пенсиялар тайинлаш ва қайта ҳисоблашда қулай шарт-шароит яратгани ва мазкур маълумотлар базасини янада такомиллаштириш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар билан электрон ахборот алмашинувини янада кенгайтириш лозимлиги очиб берилган.

Тадқиқот ишида якка тартибда фаолият юритувчи шахслар, жумладан оилавий тадбиркорлар ва уларнинг оила аъзолари, деҳқон хўжалиги бошлиқлари ва унинг оила аъзолари, томорқа ер эгалари ва қорамол, парранда етиштирувчи шахслар, суғурта агенти ҳисобланмайдиган иш берувчидан даромад олувчи шахслар, чет элда ёлланган ҳолда меҳнат фаолиятини юритган фуқаролар шунингдек, маълум иш жойига эга бўлмаган уй хўжаликларида банд бўлган ёки турар жойларини ижарага беришдан даромад олувчи шахсларни келажақда ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида, улар томонидан Пенсия жамғармасига ихтиёрий равишда бадаллар тўлаш механизмларини қулай ва содда шакллариини ишлаб чиқиш бўйича таклифлари илгари сурилган.

«Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишда давлат пенсия таъминотининг ўрни» деб номланган иккинчи параграфда муаллиф томонидан ижтимоий ҳимоя сиёсатининг мазмун-моҳияти, мақсади, моделлари, асосий йўналишлари ёритиб берилган. Шу билан бирга, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича қонунчилик нормалари таҳлил қилинган.

Муаллифнинг фикрича, ёшга доир пенсия ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра, фуқароларни қонунда белгиланган маълум ёшга етиши ва белгиланган иш стажига эга бўлиши билан пайдо бўладиган бир умрлик ижтимоий таъминот ҳуқуқи эканлиги тарифи берилган.

Пенсия таъминоти ижтимоий ҳимоянинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, фуқароларни кексаликда камбағалликдан ҳимоя қилиши, меҳнат фаолиятини тўхтатганда кафолатланган даромадни тақдим этиши ва келажақда турмуш фаровонлигини пасайишига йўл қўймаслиги каби ўзига хос ҳуқуқий хусусиятлари асослаб берилган.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояни амалга оширилиши учун қулай ижтимоий-иқтисодий муҳит яратилганлиги, шунингдек, ижтимоий ҳимоя тамойиллари Конституцияда кафолатланиб, қабул қилинаётган қонунларда ўз аксини топаётганлиги, ижтимоий ҳимоянинг ўрни, аҳамияти ва зарурлиги тадқиқот ишида ёритиб берилган бўлиб, у инсоният тарраққиётининг барча босқичлари учун хослиги, жамият ривожланиши босқичларида ижтимоий ҳимоя шакллари турлича маъно ва мазмунга эга бўлганлиги, бозор иқтисодиёти шароитида эса ижтимоий ҳимоянинг аҳамияти янада ортиб бориши, уни амалга ошириш давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланиши борасида ўзига хос хусусиятлари асослаб берган.

Бугунги кунда ҳар бир мамлакатнинг пенсия тизими ўзига хослигига қараб, пенсия таъминотининг ҳар хил моделлари мавжудлиги, муаллиф томонидан эса хорижий олимларнинг фикри ва халқаро тажрибаларни таҳлил қилган ҳолда уларни шартли равишда уч турга бўлиб ўрганишни таклиф этганлиги, булар тақсимловчи ёки бирдамлик, мажбурий жамғариладиган, ихтиёрий жамғариладиган пенсия моделлари бўлиб, буларнинг ҳар бирини ўзига хос хусусиятлари ва вазифалари тадқиқот ишида ёритиб берилган.

Диссертацияда республикамізда давлат пенсия таъминоти ва жамғариб бориладиган пенсия тизимлари мавжудлиги, давлат пенсия таъминоти бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан фуқароларнинг қонунчиликда белгиланган кексалик ёшига етганида, ногиронлик туфайли меҳнат лаёқатини йўқотганида, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганида ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда йўқотган иш ҳақлари (даромадлари)ни қоплаш мақсадида қонунчиликда белгиланган шартлар ва нормалар асосида бериладиган ҳар ойлик тўловлар, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти эса фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминланиши эканлигининг ҳуқуқий хусусиятлари очиб берилган.

«Пенсия таъминотида оид халқаро стандартлар ва Ўзбекистон пенсия қонунчилиги» деб номланувчи ушбу бобнинг учинчи параграфида муаллиф

томонидан пенсия таъминотида оид халқаро стандартлар, конвенциялар, декларациялар, пактлар ва уларнинг асосий хусусиятлари таҳлил қилинган.

Жумладан, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, у ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини, жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши бўлиб хизмат қилганлиги таснифлаб берилган.

Муаллиф томонидан ижтимоий таъминотга оид халқаро стандартларнинг асосий белгилари таҳлил этилиб, улар халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган бўлиши, ижтимоий таъминот соҳасидаги муносабатларни халқаро ва давлат ички тартиб-қоидаларини биргаликдаги ҳамкорлик воситасида тартибга солишга йўналтирилган бўлиши, ижтимоий таъминот асосини аниқлаш ва белгилаш имконини берувчи модел хусусиятига эга бўлиши, ижтимоий таъминотни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш механизмида ҳуқуқий восита сифатида иштирок этиши, улар (цивилизациялашган, ривожланган) жамиятнинг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш шартлари ва даражаси тўғрисидаги замонавий тасаввурга жавоб бера оладиган ижтимоий таъминотнинг миллий тизимини шакллантиришга йўналтирилган ва улар мустаҳкамланган конвенция ёки шартномаларни ратификация қилинган ҳолда, давлатнинг ихтиёрий тарзда қабул қиладиган халқаро мажбуриятлари ҳисобланиши каби жиҳатлари очиб берилган.

Муаллиф томонидан ижтимоий таъминот соҳасидаги халқаро стандартлар фуқароларнинг ижтимоий таъминот олишга бўлган ҳуқуқини халқаро тартибга солиш соҳасидаги узоқ йиллик тажрибани, қўлга киритилган ютуқларни ўзида акс эттирувчи норма ва қоидалар эканлигини ва уларни аъзо давлатлар миллий қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда ратификация қилиши мумкинлиги илгари сурилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Давлат пенсия таъминотида ёшга доир пенсиялар: ҳуқуқий тартибга солиш асослари**» деб номланиб, унда давлат пенсия таъминотининг ҳуқуқий асослари, ёшга доир пенсия турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ёшга доир пенсияларни тайинлашда меҳнат стажи институтини пенсия таъминотидаги аҳамияти, пенсия таъминотини амалга оширувчи бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, уни давлат пенсия таъминоти тизимида тутган ўрни каби масалалар тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи «*Ўзбекистон Республикаси давлат пенсия таъминоти ҳуқуқий асосларининг умумий тавсифи*»га бағишланган бўлиб, унда ўрганилаётган масала юзасидан республика қонунчилиги таҳлил қилинган. Пенсия таъминоти тизимини тартибга солувчи асосий қонунлар ва қонуности ҳужжатларни янада такомиллаштириш бўйича таклифлари илгари сурилган.

Тадқиқот ишида пенсия таъминоти ижтимоий ҳимоянинг ажралмас қисми ҳисобланиши, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритган илк йиллари, яъни, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтаётган мураккаб даврда

Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилганлигининг ҳуқуқий асосларини, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини ҳамда пенсионерларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланганлигини ва асосий Қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу тамойил ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиб қўйилганлиги баён қилинган.

Иккинчи бобнинг «*Ёшга доир пенсия тушунчаси, турлари ва уларни ўзига хос хусусиятлари*» деб номланган иккинчи параграфда муаллиф томонидан адабиётларни ва турли хил қарашларни таҳлил қилиш асосида «пенсия», «ёшга доир пенсия» ва «имтиёзли пенсия» каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти, асосий жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган.

Тадқиқот ишида пенсия (лотин тилида «*pensio*» – тўлов) сўзининг – ҳар ойда тўланадиган пул тўлови сифатида ҳисобланиши тасниф қилинган.

Муаллиф томонидан «ёшга доир пенсия» тушунчасига қуйидагича тариф берилган: қонун билан белгиланган маълум ёшга тўлганда ва зарур давомийликдаги меҳнат стажига эга бўлганда юзага келадиган бир умрлик давлат пенсия таъминоти турларидан биридир.

Ушбу тарифдан кўриниб турибдики, ёшга доир пенсия умуман пенсияларга хос бўлган барча хусусиятларни ўз ичига қамраб олган бўлиб, унинг асосий хусусияти бутун умрга тайинланиши, узоқ муддат ижтимоий меҳнат билан шуғулланган ёки муайян меҳнат стажига эга бўлган шахсларга тайинланиши, қонунда кўзда тутилган ёшга етган шахсларга тайинланишининг барча жиҳатлари очиқ берилган.

Тарифда пенсия қарилик туфайли эмас, балки маълум ёшга етганлик сабабли тайинланиши кўрсатилган бўлиб, бу тасодифий ҳол эмас, қонунчилик пенсия олиш ҳуқуқини тиббий – биологик маънодаги қарилик юз бериши билан боғлайди. Пенсия олиш ҳуқуқининг юз бериши қарилик деб аталсада, қарилик кечроқ юз бериши хусусиятлари ёритиб берилган.

Фуқароларга ёшга доир пенсия меҳнатга қобилиятсизлик учун эмас, балки узоқ муддат ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этган, жамият учун ишлаган шахсларни меҳнатдан озод қилиш, уларга муайян моддий таъминотни кафолатлаш мақсадида тайинланиш хусусиятлари асослантирилган.

Шу билан бирга, миллий пенсия қонунчилигимизга хос бўлган энг муҳим элементлардан бири – бу умумий пенсия ёшига етмасдан туриб, ёшга доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берувчи омиллар мавжудлиги эътироф этилади. Уларни тайинлашда бугунги кунда ёшга доир пенсияларни ифодаловчи омиллар ўртасида маълум муддат ичида ижтимоий меҳнат билан шуғулланганлик омили етакчилик қилиши муаллиф томонидан тасниф қилинади.

Ходимлар меҳнат қилаётган ишнинг алоҳида шароитлари, ноқулай омиллар ва зарарларнинг салбий таъсирига қараб, ходим банд бўлган ишнинг хавфлилиги, зарарлилиги ва оғирлигига қараб, ёшидан қатъий назар, умумий белгиланган ёшни 10 йилга ёки 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқлари белгиланган. Қонунда ёшидан қатъий назар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун кўрсатиб ўтилган ишда маълум давомийликдаги

иш стажига эга бўлиш ва тўлиқ иш куни давомида бандлиги талаб этилиши асослари очиб берилган.

Муаллифнинг фикрича, ёшга доир имтиёзли пенсия тайинлаш институтини қайтадан кўриб чиқиш, имтиёзли пенсия тайинлаш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг рўйхатларини қайта кўриб чиқиш ва амалда мавжуд бўлган ва ҳақиқатдан ҳам иш шароитига кўра имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, ишлар, касблар ва лавозимларни иш шароитини аттестациядан ўтказиб, натижаларига мувофиқ янги рўйхатларни шакллантириш мақсадга мувофиқлиги таклиф этилган.

«Ёшга доир пенсияларни тайинлашда меҳнат стажи институтини такомиллаштириш» деб номланувчи ушбу бобнинг учинчи параграфиди муаллиф фуқароларга пенсия тайинлашнинг иккита асосий мезонини, яъни иш ҳақи ва меҳнат стажининг аҳамияти, вазифалари, пенсия тайинлашдаги ўрни ва ўзига хос хусусиятларини очиб берган.

Муаллиф томонидан меҳнат стажини пенсия ҳисоблаб чиқаришда меҳнат стажига киритиладиган даврлар, меҳнат стажига кўшиб ҳисобланадиган даврлар, меҳнат стажига имтиёзли тарзда ҳисобланадиган даврларга бўлиниши, меҳнат стажини тасдиқловчи меҳнат дафтарчасининг аҳамияти таҳлил этилган.

Шунингдек, пенсия тайинлашда иш ҳақи ва суғурта бадалининг ўрни ва аҳамияти, уни ҳисоблаш усуллари, тасдиқловчи ҳужжатлар каби масалалар ёритиб берилган.

Пенсия тайинлашда иш ҳақи ва иш стажи асосий омил ҳисобланиб, улар бевосита пенсия миқдорини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилишини инобатга олган ҳолда, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, такомиллаштириш таклиф этилади.

Меҳнат стажи деганда ходим учун Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар ва ажратмалар тўланиши шарти билан амалга оширилган меҳнат ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ижтимоий фойдали фаолият даври (вакти) назарда тутилади.

Муаллиф фикрича, меҳнат стажи - бу ходимнинг меҳнат фаолияти даври бўлиб, у ўз ичига иш вақтини ҳам, дам олиш вақтини ҳам олади. Бироқ, ҳар қандай меҳнат фаолияти ҳам иш стажи ҳисобланмайди. Меҳнат стажи - бу бирор ижтимоий шаклда ҳақ тўланадиган ва бошқа шаклдаги меҳнат фаолияти ҳисобланиши тасниф этилади.

Фуқароларнинг бутун меҳнат фаолияти даврида меҳнат стажининг ҳисобини юритиш, меҳнат стажини ҳисоблаб чиқиш механизмлари институтини такомиллаштириш бугунги кун талаби эканлигини илгари суради.

Ушбу бобнинг *«Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг давлат пенсия таъминоти тизимида тутган ўрни»* деб номланувчи тўртинчи параграфда муаллиф Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг пенсия тайинлаш ва тўлаш соҳасидаги ваколатлари, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари таҳлил қилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ давлат пенсиялари, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш Пенсия жамғармаси томонидан амалга оширилишини таъкидлаб, ушбу функцияларни халқаро стандартларга мослаштиришни таклиф этади.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат қилувчи ҳар бир фуқаро ва иш берувчи Пенсия жамғармасига ойлик иш ҳақлари ҳисобидан белгиланган тўловларни амалга оширади. Муаллиф фикрича, буни Фуқаролик Кодексида назарда тутилган ўзига хос шарти кечиктирилган битим сифатида қаралиши мумкинлиги, яъни Пенсия жамғармасига ўз меҳнат фаолияти давомида зарур мажбурий тўловларни тўлаган фуқаро келажакда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганда (яъни муайян ёшга етганда ва талаб қилинган иш стажига эга бўлганда) Пенсия жамғармаси ҳисобидан пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши асослангандир. Пенсия ҳуқуқи ўз моҳиятига кўра қарияларни ижтимоий таъминлаш бўйича асосий ҳуқуқ ҳисобланиши ва Пенсия жамғармаси ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий тузилма эканлиги эътироф этилади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ёшга доир пенсия қонунчилик тизимини ривожлантириш истиқболлари**» деб номланиб, унда республикада нодавлат пенсия таъминоти қонунчилик тизимини ривожлантириш, ёшга доир пенсия тизимини ривожлантиришда халқаро ва ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва миллий қонунчиликни уларга асосланган ҳолда, ёшга доир пенсияларга оид қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ёритилган.

Мазкур бобнинг «*Ўзбекистон Республикасида нодавлат пенсия таъминоти қонунчилик тизимини ривожлантириш*» деб номланувчи биринчи параграфда муаллиф томонидан фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва хорижий давлатлар тажрибалари кенг ёритиб берилган.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти шаклан ва усулига кўра, бошқарилиши жиҳатидан ёки бошқа хусусиятларига кўра турли мамлакатлар миллий қонунчилик тизимларида турлича кўринишга эга бўлсада, асл моҳияти жиҳатидан фуқаролар ёш, иқтисодий фаол ва меҳнатга лаёқатли даврларида ишлаб топган даромадларининг бир қисмини эртанги кун учун, ижтимоий хатар юз берган тақдирда (қарилик, ногиронлик ва ҳоказо), ёрдам сифатида ажратилиши ҳамда жамғариб борилишидан иборат эканлигини ёритиб берган.

Муаллиф нодавлат пенсия жамғармаларининг заруратини икки омил билан асослангандир: биринчидан – бозор муносабатлари фуқароларга кўпроқ эркинлик ва давлат тасарруфидан мустақил бўлиш имконини бериш билан бир қаторда, уларга фаровон яшаш, шу жумладан, ижтимоий жиҳатдан таъминланиш борасида катта масъулият ҳам юклашини асослаб берган. Ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган тақдирда ўзини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига жиддий ёндашиши лозимлиги, иккинчидан – ҳар бир давлатнинг қанчалик ривожланган ва иқтисодий салоҳиятидан қатъий назар, молиявий имкониятлари чекланганлигини кўрсатиб, давлат фуқароларни

ижтимоӣ ҳимояланганлик даражасини ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгилаши ва давлат меҳнатга қобилиятсиз фуқароларни ўртача турмуш даражасидан юқори миқдорда таъминлай олмаслигини таҳлил қилиб, республикада нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил этиш зарурлигини асослаб берган.

Муаллиф фикрича, нодавлат пенсия таъминотининг тараққий этишида жаҳон тажрибаси ва илғор мамлакатларнинг бу соҳада эришган ютуқларини эътиборга олган ҳолда, пенсияларнинг моддий ва ижтимоӣ таъминлашнинг нодавлат шакллари кенг жорий қилиниши, бу соҳадаги ҳуқуқий база такомиллаштирилиши ва узлуксиз ривожлантирилиши лозимлигини асослантирилган.

Учинчи бобнинг *«Ёшга доир пенсия тизимини ривожлантиришида халқаро ва ривожланган мамлакатлар тажрибаси»* деб номланган иккинчи параграфида диссертация тадқиқоти давомида пенсия тизимини ривожлантириш бўйича хорижий давлатлардан Россия Федерацияси, Нидерландия, Швейцария, АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Чили, Мексика, Польша, Франция, Германия, Исландия, Норвегия, Италия, Бельгия, Португалия, Латвия, Қозоғистон, Болгария, Хорватия, Грузия, Арманистоннинг тажрибалари таҳлил қилинган.

Тадиқиқот ишида мажбурий пенсия тизимида паст даражадаги мақсадли қоплаш коэффициенти, ихтиёрий хусусий пенсия таъминоти эса юқорилиги хусусиятлари очиб берилган. Пенсия ислохотлари даврида хусусий секторнинг ўрни ошиб борган хорижий давлатлар тажрибалари баён қилинган. Жумладан, Лотин Америкаси давлатлари Чили, Сальвадор, Мексика ва Перуда деярли барча пенсия тўловлари келажакда хусусий сектордан ўрнатилган тўловлар шаклида, Коста-Рика ва Уругвайда ўрнатилган тўловлар тизими мавжуд бўлсада, даромадга боғланган пенсия тўловларида давлат секторининг ўрни юқори эканлиги таҳлил қилинган.

Муаллиф томонидан Ғарбий Европа ва Марказий Осиё давлатлари пенсия тизимлари учун давлат секторининг хусусий сектор билан қисман алмаштириш ҳолатларини кузатиш мумкинлиги ва ушбу ҳудудлардаги тизимда ишчилар пенсияни бир қисмини давлат секторидан, қолган қисмини эса хусусий сектордан олишлари ёритиб берилган.

Тадиқиқот ишида яқин Шарқ ва Шимолий Африкада мажбурий пенсия тўловлари тизимида хусусий сектор мажуд эмаслиги ва ихтиёрий пенсия таъминотидан аксарият ҳолларда фойдаланилмаслиги баён қилинган.

Исландия ва Швейцарияда хусусий профессионал пенсиялар мажбурий ҳисобланиши, Нидерландия ва Швецияда эса профессионал пенсияларнинг ярми мажбурий ҳисобланиши, Австралияда мажбурий ўрнатилган бадаллар тизими 1992 йилда жорий қилинганлиги ва бу кейинчалик пенсия таъминоти даромадини шаклланишида муҳим ўрин эгаллагани илмий тадиқиқот ишида ёритиб берилган.

Тадқиқот ишида ёшга доир пенсия олувчиларнинг сони 2035-2040 йилларга қадар кескин ўсиб бориши прогноз қилинган. Бу эса, Пенсия жамғармаси харажатларининг кескин ўсиб боришига, яъни 1960-1991 йилларда туғилиш

даражаси юқори бўлганлиги сабабли пенсия олишга мурожаат этувчилар сони юқори бўлиши, аҳолини ўртача умр кўриш ёшининг узайиб бориши, Пенсия жамғармасига бадал тўламаган ҳолда норасмий сектор ёки хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар келгусида пенсия ёшига етиб, пенсия олиш учун мурожаат қилишлари асослаб берилган.

Мазкур бобнинг «*Ўзбекистон Республикасида ёшга доир пенсияларга оид қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари*» деб номланган учинчи параграфида хорижий давлатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, миллий пенсия тизимига қўшимча корпоратив, коллектив, хусусий жамғармалар ва ижтимоий мақсадга йўналтирилган бюджетдан ташқари ижтимоий фондларни ташкил этиш, шунингдек, имтиёзли пенсияларни корпоратив, коллектив хусусий пенсия фондлари орқали тўлаш механизмларини жорий этиш, яқка тартибдаги тадбиркорларни жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси тизимига жалб қилиш чораларини ишлаб чиқиш каби масалалар очиб берилган.

Тадқиқот ишида бозор иқтисодиётининг ижобий томонлари билан бир қаторда зиддиятли томонлари ҳам мавжуд эканлиги, жумладан, мамлакат аҳолисининг даромадлари жиҳатдан табақалашуви ижтимоий нобарқарорликнинг вужудга келишига сабаб бўлиши ва мазкур ижтимоий муаммоларни юмшатиш учун ҳар бир мамлакат ўзига хос тарзда ижтимоий сиёсат олиб бориш механизмлари асослаб берилган.

